

Мумтоз адабий меросимизни ўрганиш бўйича 2012 йили олиб борилган изланиш ва тадқиқотлар натижаси, асосан, илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола этилган маколалар, монография ва рисолаларда ўз аксини топган. Улар хусусида фикр юритар эканмиз, кўнгилдан, аввало, шу давр мобайнида назарий жихатдан бакуват, янгиликка эга бўлган тадқиқотлар чоп этилдими? Адабиётга қандай янги топилдиқлар олиб кирилди? Чоп этилган илмий ишларнинг кўлами қандай, улар тадқиқот-тарғибот хусусиятига эгами ёхуд бир жойда депсиниб туришдан нарига ўтмаяптими, деган саволлар ўтади.

Масалага шу нуқтаи назардан бирқадар ойдинроқ ёндашилса, назарда тутаётганимиз – ўтган йилги адабиётшунослик манзараси намён бўлади.

Ўзбек мумтоз адабиётини тадқиқ этиш борасидаги энг муҳим тадқиқотлар, мақола ва тақризлар, асосан, “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Шарк юлдузи”, “Жаҳон адабиёти”, “Ёшлик” журналларида, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида ҳамда илмий тўплам ва илмий конференциялар материаллари саҳифаларида ўз аксини топган. Шу ўринда “Маърифат” газетасидаги айрим маколаларнинг илмий қимматини эътироф этиш муҳим. Чунки уларда чоп этилаётган маколаларнинг савияси ва илмийлик даражаси журнал маколаларидан қолишмайди.

Таъқидланган манбаларнинг ўзида юзга яқин мақола, мақола-тақриз, ахборот-маколалар чоп этилган. Ўнга яқин китоблар нашрдан чиққан. Шуни ҳам таъқидлаш зарурки, мазкур йилда чоп этилган монографиялар сони ўтган йиллардагига қараганда қамрок. (Буни ушбу йилда номзодлик, кўпроқ докторлик диссертациялари ёқланмаганлиги билан изоқлаш мумкин.) Шунга боғлиқ ҳолда, матбуотда аввалги – 2011 йили нашрдан чиққан монографияларга таништирувлар, айниқса, тақлилий тақризларга тез-тез кўзингиз тушади. Бу ҳам мумтоз адабиётшуносликка оид муайян бир йўналишнинг жонланганлигидан далолат.

“Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг илк сони Иброҳим Ҳаққулнинг “Навоий ва юнон адабиёти” мақоласи билан бошланади. Шарк шеърлятида юнон адабиёти ва тарихига алоқадор образларга муносабат билдирилган бу мақола айрим мавҳум масалаларга ойдинлик қиритади. Шунингдек, Нусратилла Жумахўжа, Дилором Салохий, Ҳасан Қудратиллаев қабим олимларнинг маколалари бу йилги адабиётшуносликда, айниқса, навоийшунослик ва бобуршуносликда алоқида аҳамиятга эга. Шу ўринда филология фанлари номзоди Қодиржон Эргашевнинг илмий ишларига тўхтаб ўтиш ўринли. Унинг масалага ҳолис ёндашиши, қатъий илмий далилларга риоя қилиши, изчил тадқиқотлар олиб бориши эътиборни тортади. Жумладан, “Ўзбек тили ва адабиёти” журналидаги “XVI асрнинг биринчи ярмида тарихий наср хусусиятлари”, “Янглиш талқинлар” деб номланган – илмда Навоий биографиясини ёритишда йўл қўйилган айрим қалқашликлар ҳақидаги маколалари тадқиқот характериға эга. Хар икки мақолада ҳам муаллиф ўз ҳулосаларини ифодалаш учун кўплаб манбаларни қиёслаб ўрганган, ишонарли далиллар қелтирган ва тўғри ҳулосалар қикарган.

Қейинги йиллари изчил фаолият кўрсатаётган Иқболлой Адизованинг маколалари, асосли фикрлари билан муаммоларни тўғри англаб, ечимини тақдим этишга уринаётган

Абдурасул Эшонбобоевнинг изланишларини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. И.Адизованинг Фузулий, Увайсий, Нодира ижодий меросига оид маколаларида янги талкинларга ўтиши бу борадаги ишлар кўламининг кенгайишига имкон беради. Тадкикотчи А. Эшонбобоевнинг “Ўзбек иншо санъати” номли тақризи ёки “Навоий асарларининг илмий-танкидий нашри хақида”ги маколасида бугунги куннинг энг оғрикли нуқтаси хақида тўхталиб, бу муаммони ўрганиш ва хал этишга даъват этилган. Бирок сўнги йилларда бир адабиётшунос кўтарган муаммога бошқаларнинг бефарқ бўлиши адабиётшунослигимизнинг бир ерда узок депсиниб туришига сабаб бўлмоқда. Масалан, 2012 йили бир илмий тўпламда профессор Хамидулла Болтабобоевнинг “Ўзбек адабиёти тарихини даврлаштириш тамойиллари” деб номланган маколаси чоп этилди. Конференцияда кизиқиш билан тингланган маърузада бугунги адабиётшуносликнинг энг долзарб ва бахсталаб муаммоси кўтарилди. Бирок ханузгача унга акс-садо йўқ. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бундай бахсни давом эттириш, у ҳақда ўйлаш, аслида, ҳар бир адабиётшуносликнинг иши. Бахсталаб маколалар керак бўлгани каби, уларга жавоблар бериш, муносабат билдириш пайти ҳам келди.

Яна бошқа бир мақолага эътибор қаратайлик. Адабиётшунос Рустам Тожибоев “ЎзАС” газетасида чоп этилган “Вазн талаби ёхуд газалдаги гализликлар хусусида” маколасида матншунос ва манбашунослар зиммасидаги масъулият, мумтоз асарларнинг бугунги нашрларидаги муаммоларни ўринли ўртага ташлайди. Мақола муаллифи, матнни нашрга тайёрлаётган мутахассис ҳар бир шеър вазнини аниқлаб олиши ва уларнинг жорий ёзувдаги нашрда тўғри берилишига жиддий эътибор қилиши лозим. Колаверса, вазнга эътиборсизлик оқибатида кўпол хатолар юзага келиши мумкинлигини матншунос доим ёдда тутиши зарур, деб, Комёб ва Хувайдо “Девон”лари нашрига оид камчиликларни кўрсатиб берган.

Тадкикотчи Бобомурод Эралиевни жиддий изланишлар натижаси бўлган маколалари – “Фарходнинг ташрифи”, “Тўрт қаср тархи” маколалари тадкикот харақтерига эга. Уларда масаланинг моҳияти ишонарли очиб берилган. Айниқса, ўртага ташланган масаланинг Румий асарларига боғлаб тушунтирилиши ёки Сизиф тимсоли ёрдамида кизикарли ва қиёсий талкин этилиши, қайсидир жихатлари билан устоз Нажмиддин Комилов бошлаган йўлни давом эттираётганлиги қишида умид уйғотади.

Тахлилий маколалар хақида сўз кетганда, Олимжон Давлатовнинг “Навоий девонларида ишора санъати”, “Ажаб йўқ одамилиғни унутсанг” каби Навоий ижодий ниятини илмий, диний-тасаввуфий манбаларга боғлаб очиб берадиган маколалари ҳам эътиборни тортади. Уларни тадкикотчидан Навоий ижодини жиддий ўрганиш қанча кўп билим талаб этилишини кўрсатадиган яхши маколалар қаторига қўйиш мумкин.

“Маърифат” газетасида чоп этилган Полвон Отабекнинг “Навоий хақидаги хақиқатлар” маколаси ҳам жиддий тахлилий маколалардан. Унда Шухрат Сирожиддиновнинг кўпчилик эътиборини тортган “Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик тахлили” монографияси ўрганилиб, унинг бугунги навоийшунослиқдаги ўрни ва аҳамияти хусусида фикр юритилган.

Тадкикотчи Бурҳон Абулхайров эса “Миён Бузрукнинг ўзбек адабиётида тасаввуф масаласига оид қарашлари” маколасида 20-30-йилларда ўзбек мумтоз адабиётини тадқиқ этиш билан жиддий шугулланган адабиётшунос олимнинг ўзбек мумтоз адабиётига, хусусан, тасаввуф адабиётига муносабатини ўрганади, тадқиқ этади ва баҳолайди. Тадкикотчининг бу йўналишдаги яна бир хизмати ишида қўринади. Журналининг 5-сонида Е.Э.Бертельснинг “Бедил хақида мулоҳазалар” маколасини

нашрга тайёрлаб, чоп эттирганида кўринади.

Журналларимиз саҳифаларида қисман бўлса-да, танқидий руҳдаги мақолалар чоп этилаётганлиги хусусида юқорида ҳам таъкидлаган эдик. “Шарк юлдузи” журналининг “Меросимизни ўрганамиз” рукнидаги Валижон Кодирова Акрамжон Вахобовнинг “Бобурнома”даги таърих – муаммолар муаммоси” мақоласида “Бобурнома”нинг табдил – транслитерация қилинган нашрларида таърих санъати орқали ифодаланган саналарнинг бузилиши ҳақидаги фикрлар асосли кўрсатиб берилган. Унда матншуносликдаги жиддий камчиликлар очиб берилади. Бу борада иш олиб бораётган ноширларни ҳам, тадқиқотчиларни сергаклантиради, янги мақолаларни –изланишларни талаб этади. Бирок, мақола муаллифлари ўртага ташланган муаммони 1989 йили чоп этилган “Бобурнома”га асосланиб ўрганганлар. Бундай тадқиқотлар мукамалроқ ва охириги нашрларга, жумладан, “Бобурнома”нинг 2002 йили Эйжи Мано танқидий матни асосида яратилган янги нашрига таяниб ўрганилганда, унинг илмий қиммати яна ҳам ошарди.

Мақола аввалида, бу йил адабиётшунослигимизга қандай янги топилдиклар – манбалар олиб қирилди? – деган савол қўйилган эди. Бу масалада Афтондил Эркиновнинг “Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган яна бир девони” ва “Амир Умархон тухфаси”, афғонистонлик тадқиқотчи Халим Ёркиннинг “Низомий Ганжавийнинг туркий девони” мақолаларида янги топилган манбалар ҳақида маълумотлар берилади. Дунёнинг турли кутубхоналаридан ўзлари излаб топган бу манбаларга илмий баҳо берган мазкур олимларнинг ишлари таҳсинга сазовор.

Ўтган йили чоп этилган монография, рисоалар жумласига Нодирхон Хасаннинг “Яссавийликка доир манбалар ва “Девони хикмат” монографияси, устоз Нажмиддин Комиловнинг “Маънолар оламига сафар, Хамиджон Хомидийнинг “Фирдавсий ва ўзбек адабиёти”, турк олими Мустафо Эсоннинг “Тазкирадан биографияга”, озарбойжонлик Гулшан Алиева-Кангарлининг “Фузулийшунослик тарихи ва назарияси” монографиялари 2012 йили мумтоз адабиётимиздаги энг муҳим ва илмий қимматга эга китоблар деган фикрда миз.

Айниқса, сўнги икки тадқиқот нафакат янги манбалар билан бизни таништиради, балки янги тадқиқ усулларининг ҳам қириб келишига йўл очади. Умуман, чет эллик олимларнинг ўз тадқиқотлари билан ўзбек матбуоти саҳифаларида қатнашаётганлиги ижобий ҳодиса. Жумладан, Республикаимизга қелиб, тадқиқот олиб бораётган Жанубий Корея давлати Сеул шаҳри, Донгдок хотин-қизлар университети профессори, Низомий номидаги ТДПУ ўқитувчиси Инкён О,нинг мақолалари ҳам кўпчилик эътиборини тортди. “Ёшлик” журналида чоп этилган “Ўзини яратган қаҳрамон” мақоласида у “Жумўнг” ва “Алпомиш” дostonлари орасидаги ўхшашликка эътиборни қаратгани бизнинг адабиётшунослик учун ҳам янгилик бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, ўтган йил чоп этилган мақолалар, китоблар ва бошқа тадқиқотлар мумтоз адабиётимизни ўрганиш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги намойиш қилади ва, айти пайтда, бу адабиётшунослик олдида турган, келгусида хал қилиниши лозим бўлган муаммоларни белгилашда муҳим аҳамиятга эга.